



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

2022 yil "30" 05

№ 154

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги
“Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш
чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”
ПҚ-243-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-243-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш ишларини кучайтириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-243-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 25 апрельдаги ПҚ-215-сон қарорига асосан 2022 йил 1 июндан бошлаб қон билан бевосита ишлаётган давлат тиббиёт муассасалари ходимларини гепатит “В” касаллигига қарши бепул эмлаш амалиёти жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштиришга оид вазифаларни амалга ошириш бўйича Назорат-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2022 йил 1 июльдан бошлаб ҳар йили республика аҳолисини вирусли гепатит “В” ва “С” турларига скрининг текширувлари сони 1 миллион нафаргача, полимераза занжир реакцияси (ПЗР) текширувлари сони 15 минг

нафаргача, вирусли гепатит “С” тури билан касалланган беморларни даволашни 10,5 минг нафаргача етказилсин;

2022 йил 1 сентябрьдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликни белгилаш билан бирга уларни ўз ҳисобидан гепатитнинг “В” ва “С” турларига скрининг текширувларидан ўтказиш тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқарма бошлиқлари эмлаш тадбирларини мақсадли режалаштирилиши, хавфсиз ўтказилиши ҳамда амалга оширилган эмлаш ишлари натижалари бўйича ҳисоботларини муддатидан кечиктирмасдан тақдим этилиши бўйича шахсан жавобгардир.

5. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев), Даволаш-профилактика ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рискиев), Вирусология илмий-тадқиқот институти (Э.Мусабаев) назорат-режасида кўрсатиб ўтилган вазифалар ижросини белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан таъминлаш, назорат қилиш ҳамда муҳокама қилиб бориш тизими йўлга қўйилсин.

6. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев), Даволаш-профилактика ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рискиев), Вирусология илмий-тадқиқот институти (Э.Мусабаев) ҳамда **“IT-Med” МЧЖ (А.Ҳакимов):**

2022 йил 1 ноябрьга қадар жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда – Реестр) ишлаб чиқилиши, шунингдек, келгусида унинг техник ва дастурий қўллаб-қувватланишини таъминласин;

2023 йил 1 январьга қадар Реестрни юритишни қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча тиббиёт ташкилотларига жорий қилиб, уларнинг ўзаро интеграциясини йўлга қўйсин.

7. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев), Вирусология илмий-тадқиқот институти (Э.Мусабаев), Даволаш-профилактика ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқарма бошлиқлари 2022 йил 1 июльдан бошлаб Вирусология илмий-тадқиқот институти билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги қон қуйиш марказларида Қрим-Конго геморрагик иситмаси билан касалланиб тузалганларнинг (донорларнинг) қон плазмаси банки яратилишини таъминласин.

8. Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (Р.Изамов), Вирусология илмий-тадқиқот институти (Э.Мусабаев), Лицензиялаш, аккредитациялаш ва тиббий туризмни ривожлантириш бошқармаси (Ж.Асамутдинов), Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси (Б.Акилов) даволаш-профилактика муассасалари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида юқумли касалликларга, шу жумладан сурункали вирусли гепатитларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш стандартлари такомиллаштирсин ҳамда уларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтирсин.

9. Лицензиялаш, аккредитациялаш ва тиббий туризмни ривожлантириш бошқармаси (Ж.Асамутдинов):

2022 йил 1 июльдан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотлари қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлаётган ходимларини гепатит “В” инфекциясига қарши эмлашни, шунингдек, Реестр ишга тушган пайдан бошлаб бу ҳақдаги маълумотларни Реестрга киритиб борсин.

Бунда, эмланмаган ходимларни эмлаш уларнинг асосий иш жойи бўлган тиббиёт ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилиши таъминлансин.

2024 йил 1 январьдан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотларида қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлаётган ходимларнинг гепатит “В” инфекциясига қарши эмланган бўлиши ҳамда Реестрнинг белгиланган тартибда юритилиши тиббий фаолиятини лицензиялаш талаблари ва шартларидан бири ҳисобланиши белгилансин.

10. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқарма бошлиқлари:

2022 йил 1 июньдан бошлаб қон билан бевосита ишлаётган давлат тиббиёт муассасалари ходимларини гепатит “В” касаллигига қарши бепул эмлаш амалиётини йўлга қўйсин;

Вирусология илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда аҳолини вирусли гепатитнинг “В” ва “С” турлари бўйича скрининг ва тасдиқловчи текширувлардан ўтказиш ва касаллик аниқланган беморларни даволаш амалдаги клиник баённома асосида амалга оширилишини таъминласин;

скрининг текширувлари ўтказиладиган муассасаларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, зарур бўладиган сарфловчи материаллар (бир марталик кулқоплар, пахта, спирт, скарификатор ва бошқалар) билан таъминлаш ҳамда текширув жараёнларини электрон базага киритиш учун интернет тармоғига уланган компьютер техникаларни ажратсин.

11. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев):

вирусли гепатит “В”га қарши вакциналарни қабул қилиш, сақлаш ва эмлаш пунктларига етказиб берилишида “совуқлик занжири” коидаларига тўлиқ риоя этилсин;

тиббиёт муассасалари ходимларини гепатит “В” касаллигига қарши эмлаш жараёнлари устидан тизимли назорат ўрнатилсин;

жойларда ўтказиладиган эмлаш тадбирлари бўйича ҳисоботларнинг кунлик таҳлили олиб борилсин.

12. Вазир ўринбосари (О.Фазилкаримов):

“2022-2025 йилларда айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича Дастур”да Давлат бюджетидан ажратилиши назарда тутилган маблағлар юзасидан талабномаларни ўртанитилган тартибда Молия вазирлигига киритсин.

Вирусология илмий-тадқиқот институтининг талабномаси асосида қон қуйиш марказларида “Қрим-Конго” геморрагик иситмаси билан касалланиб тузалганларнинг (донорлар) қон плазмаси банкини яратиш учун зарур бўладиган маблағлар ажратилсин.

13. Матбуот хизмати (Ф.Санаев), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев):

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси имкониятларидан фойдаланган ҳолда, мавзуга оид мақолалар, туркум телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш орқали аҳоли ўртасида вирусли инфекцияларга қарши курашишнинг долзарб масалаларини мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

Қарорнинг мазмун моҳиятини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тизимидаги ходимлар эътиборига етказилсин.

14. Ташкилий-назорат бошқармаси (У. Турабов), Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси (М. Мўминов) назорат режаси билан белгиланган вазифалар ижроси назоратга олинсин.

15. Мазкур буйруқ ижроси юзасидан назорат вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б. Юсупалиев зиммаларига юклансин.

Вазир



Б. Мусаев

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2022 йил “30” майдаги
154 - сонли буйруғига
илова

Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштиришга
оид вазифаларни амалга ошириш бўйича
НАЗОРАТ-РЕЖАСИ

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-243-сонли қарорида белгиланган бандлар бўйича				
1.	5.2-банд. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев): Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти томонидан жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда – Реестр) 2022 йил 1 ноябрга қадар ишлаб чиқилишини, шунингдек, келгусида унинг техник ва дастурий қўллаб-қувватланишини таъминласин.	1. Ахборот тизими бўйича техник хужжатларни, талабларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Лойиҳанинг техник-иктисодий ҳисобини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва ахборот тизимини ишлаб чиқиш, техник ва дастурий қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқитиш бўйича шартномани имзолаш. 4. Жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестрини ишлаб чиқиш ҳамда унинг техник ва дастурий қўллаб-қувватланишини таъминлаш.	2022 йил 1 август	Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев), “IT-Med” МЧЖ (А.Ҳакимов)
			2022 йил 1 ноябрь	“IT-Med” МЧЖ (А.Ҳакимов)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
2.	<p>5.3-банд. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев): 2023 йил 1 январьга қадар Реестрни юритишни кон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган қадар таркибий қисмларга эга бўлган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда санитария-эпидемиология хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тиббиёт ташкилотларига жорий қилиб, уларнинг ўзаро интеграциясини йўлга қўйсин;</p>	<p>Реестрни юритишни кон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тиббиёт ташкилотларига жорий қилиб, уларнинг ўзаро интеграциясини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	2023 йил 1 январь	<p>“IT-Med” МЧЖ Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев), ДПЁТББ (У.Рискиев)</p>
3.	<p>5.4-банд. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев): 2022 йил 1 июльдан бошлаб Вирусология илмий-тадқиқот институтида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиладиган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги тегишли муассасаларда Қрим-Конго геморрагик иситмаси билан касалланиб тузалганларнинг (донорларнинг) кон плазмаси банки яратилишини таъминласин.</p>	<p>Республиканинг тегишли ҳудудларида Қрим-Конго геморрагик иситмаси билан касалланиб тузалганларнинг кон плазмаси банки яратилишини ташкиллаштириш.</p>	2022 йил 1 июль	<p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев), ДПЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари Соғлиқни сақлаш бошқармалари</p>
4.	<p>5.5-банд. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) даволаш-профилактика муассасалари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида юкумли касалликларга, шу жумладан сурункали гепатитларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш стандартларини такомиллаштирсин ҳамда</p>	<p>Даволаш-профилактика муассасалари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида юкумли касалликларга, шу жумладан сурункали вирусли гепатитларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя қилиниши устидан</p>	2022 йил 16 ноябрь	<p>Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (Р.Изамов), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев), Лицензиялаш, аккредитациялаш ва</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
	уларга риюя килиниши устидан назоратни кучайтирсин.	назоратни ташкил этиш.		тиббий туризми ривожлантириш бошқармаси (Ж.Асамутдинов), Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси (Б.Акилов)
5.	<p>7.1-банд. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) билан биргаликда 2022 йил 1 июльдан бошлаб ҳар йили кенг тарқалган вирусли инфекциялар муаммоларининг илмий ечимини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга танловлар асосида маблаглар ажратилишини таъминласин.</p>	Кенг тарқалган вирусли инфекциялар муаммоларининг илмий ечимини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга танловларга буюртмалар тайёрлаш.	2022 йил 1 июль	Фан-таълим бошқармаси (Ў.Исмаилов), Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)
6.	<p>8.1-банд. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) 2022 йилнинг якунига қадар вирусли касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволанишида зарур бўладиган вакцина, дори ва диагностикаумлар каби воситаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.</p>	Вирусли касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволанишида зарур бўладиган вакцина, дори ва диагностикаумлар каби воситаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2022 йил 31 декабрь	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С. Кариев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев), Фан-таълим бошқармаси (Ў.Исмаилов)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
7.	<p>11.1-банд. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Соғликни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда жойларда вирусли инфекцияларнинг тарқалиши масалалари бўйича кенг тушунтиришлар, тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказишни кучайтирсин.</p>	<p>Медиа-дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш.</p>	<p>2022 йил 16 ноябрь</p>	<p>Матбуот хизмати (Ф.Санаев), Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази (Алиханова)</p>
8.	<p>12.1-банд. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Соғликни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мавзуга оид мақолалар, туркум телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш орқали аҳоли ўртасида вирусли инфекцияларга қарши курашишнинг долзарб масалаларини мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.</p>	<p>Медиа-дастур асосида тарғибот тадбирларини ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил 16 ноябрь</p>	<p>Матбуот хизмати (Ф.Санаев), Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази (Алиханова)</p>
<p>2022–2025 йилларда айрим долзарб вирусли инфекцияларни тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича дастурида белгиланган вазифалар</p>				
9.	<p>1-илова 1-банд. Аҳоли орасида вирусли гепатитларнинг “В” ва “С” турларини эрта ташхислаш.</p>	<p>1. Республикада 2 млн нафар аҳолини вирусли гепатитларнинг “В” ва “С” турларига скрининг текширувидан ўтказиш. 2. Скрининг текширувларида вирусли гепатитнинг “С” тури аниқланган 60</p>	<p>2025 йил 31 декабрь</p>	<p>ДНЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		<p>минг нафар фуқарони вирусни тасдиқловчи ПЗР текширувидан ўтказиш.</p>		<p>бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>
10.	<p>1-илова 2-банд. Вирусли гепатитнинг “С” тури билан касалланган беморларни даволаш.</p>	<p>1. Скрининг текширувларида вирусли гепатитнинг “С” тури тасдиқланган 10,5 минг нафар беморларни даволаш. 2. Дори воситаларига чидамли бўлган вирус штаммлари устида илмий тадқиқотлар олиб бориш ишларини жадаллаштириш.</p>	<p>2025 йил 31 декабрь</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев), Фан-таълим бошқармаси (Ў.Исмаилов)</p>
11.	<p>1-илова 3-банд. Эмлаш орқали вирусли гепатитлар билан касалланишнинг олдини олиш.</p>	<p>1. Вирусли гепатит “В” инфекцияси юқиш хавфи юқори бўлган жами 119 016 минг нафар тиббиёт ходимини ушбу инфекцияга қарши тўлиқ (3 маротаба) эмлаш ишларини ташкил этиш. 2. Эмланганлар тўғрисида маълумотларни шакллантириш.</p>	<p>2023 йил 31 декабрь</p>	<p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), ДНЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
12.	<p>1-илова 4.1-банд. Қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча тиббиёт ташкилотларида жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда – Реестр) юритилишини жорий қилиш.</p>	<p>Жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестрини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2022 йил 1 ноябрь</p>	<p>“IT-Med” МЧЖ (А.Хақимов), Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), ДПЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>
13.	<p>1-илова 4.2-банд. Қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча тиббиёт ташкилотларида жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда – Реестр) юритилишини жорий қилиш.</p>	<p>Жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестрини тегишли тиббиёт ташкилотларида жорий қилиш.</p>	<p>2023 йил 1 январь</p>	<p>“IT-Med” МЧЖ (А.Хақимов), Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), ДПЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
14.	<p>1-илова 4.3-банд. Қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча тиббиёт ташкилотларида жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда – Реестр) юритилишини жорий қилиш.</p>	<p>Келгусида жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестрни техник ва дастурий қўллаб-қувватлаш.</p>	<p>2022 йил 16 ноябрь</p>	<p>‘IT-Med’ МЧЖ (А.Ҳакимов), Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), ДПЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>
15.	<p>1-илова 4.4-банд. Қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча тиббиёт ташкилотларида жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда – Реестр) юритилишини жорий қилиш.</p>	<p>Жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестр юритилишини мониторинг қилиш.</p>	<p>2022 йил 16 ноябрь</p>	<p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), ДПЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев), ‘IT-Med’ МЧЖ (А.Ҳакимов)</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
16.	<p>1-илова 5-банд. Реестрни “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали тегишли маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари билан интеграция қилиш.</p>	<p>1. Маълумотлар базалари ва ахборот тизимларидан қуйидаги маълумотларни тақдим этиш:</p> <p>а) Давлат персоналлаштириш маркази томонидан – жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;</p> <p>б) Ички ишлар вазирлиги томонидан: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ID-карталари тўғрисида маълумот; Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик хужжатлари тўғрисида маълумот; Ўзбекистон Республикаси фуқароларини вақтинча ва доимий рўйхатдан ўтказиш тўғрисида маълумот;</p> <p>в) Адлия вазирлиги томонидан: рўйхатдан ўтган фуқаролик ҳолати далолатнома (туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, ўлим) ёзувлари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот; шахснинг оила аъзолари тўғрисида маълумот.</p> <p>2. Ахборот хавфсизлиги ва шахсга доир маълумотларни химоя қилиш бўйича қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиш.</p>	2023 йил 1 январь	“IT-Med” МЧЖ (А.Ҳакимов), Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)
17.	<p>1-илова 6-банд. Реестрни юритиш тартибини белгилаш.</p>	<p>1. Жигар сурункали вирусли касалликларнинг ягона электрон реестрни юритиш тартибини белгилаш.</p>	2022 йил 1 ноябрь	Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев),

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
18.	<p>1-илова 7-банд. Реестрни юритиш бўйича тегишли ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириб бориш.</p>	<p>2. Жигар сурункали вирусли касалликларнинг ягона электрон реестрнинг тартибга мувофиқ юритилишини ташкил этиш.</p> <p>1. Тегишли ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириб бориш бўйича идоралараро ишчи гуруҳни тузиш.</p> <p>2. Жойларда ва онлайн семинарлар ўтказиш.</p>	2022 йил 1 ноябрь	<p>Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев), “IT-Med” МЧЖ (А.Хақимов)</p> <p>“IT-Med” МЧЖ (А.Хақимов), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Санэпидхизмаг (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>
19.	<p>1-илова 8-банд. Вирусли гепатитлардан сўнг жигар фибрози ва гепатоцеллюляр карцинома ривожланишини эрта ташхислаш бўйича янги технологияларни таъбиқ қилиш.</p>	<p>1. Вирусология илмий-тадқиқот институти ва 14 та худудий гепатология марказларига жигар фибрози ва гепатоцеллюляр карциномани эрта ташхислаш учун жами 90 мингта АПФ-III ва PIVKA тўпламини харид қилиш.</p> <p>2. Вирусли гепатитнинг “В” тури аниқланган беморларда HBsAg (вирус антигени)ни микдорий аниқлаш мақсадида жами 46 минг тест тўпламини харид қилиш.</p>	2025 йил 31 декабрь	<p>Санэпидхизмаг (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
20.	<p>1-илова 9-банд. Республика ихтисослаш-тирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва худудий юкумли касалликлар шифохоналари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.</p>	<p>1. Вертикал яхлит тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш.</p> <p>2. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан худудий юкумли касалликлар шифохоналарига тизимли равишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.</p> <p>3. Соғликни сақлаш вазирлигининг республика ихтисослашган марказлари профессор ва олимлари, етакчи мутахассислари томонидан гепатит “С” ва бошқа вирусли инфекциялар диагностикаси, профилактикаси ва самарали даволаш усуллари бўйича жойлардаги мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатишнинг манзилли дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	<p>2022 йил 1 июнь</p>	<p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), РЭМИЮКИАТМ (Б.Таджиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>
21.	<p>1-илова 10.1-банд. Бир маротаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлашнинг энг кам миқдорини белгилаш тартибини тасдиқлаш. Давлат даволаш-профилактика муассасаларини бир марталик тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлаш.</p>	<p>Даволаш-профилактика муассасалари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида бир маротаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбобларга бўлган хақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб, улар билан таъминлашнинг энг кам миқдорини белгилаш тартибини тасдиқлаш.</p>	<p>2022 йил 1 июль</p>	<p>Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ва мурувват ёрдамини мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Хайдаров), Иктисодиёт ва молия бош бошқармаси (С.Максудов), Қорақалпоғистон Республикаси Соғликни</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
22.	<p>1-илова 10.2-банд. Бир маротаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлашнинг энг кам миқдорини белгилаш тартибини тасдиқлаш. Давлат даволаш-профилактика муассасаларини бир марталик тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлаш.</p>	<p>Ишчи гуруҳ тузган ҳолда давлат даволаш-профилактика муассасаларида бир маротаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбобларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ўрганиш. (Муддат: 2022 йил 1 июльдан бошлаб режага мувофиқ)</p>	2022 йил 31 декабрь	<p>саклаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари</p> <p>Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ва мурувват ёрдамни мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Хайдаров), Иктисодиёт ва молия бош бошқармаси (С.Мақсудов), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари</p>
23.	<p>1-илова 10.3-банд. Бир маротаба ишлатиладиган тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлашнинг энг кам миқдорини белгилаш тартибини тасдиқлаш. Давлат даволаш-профилактика муассасаларини бир марталик тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлаш.</p>	<p>Ўрганиш давомида аниқланган эҳтиёждан келиб чиқиб, давлат даволаш-профилактика муассасаларини бир марталик тиббий буюм ва асбоблар билан таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p>	2023 йил 1 март	<p>Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ва мурувват ёрдамни мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Хайдаров),</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				<p>Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (С.Мақсудов), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари</p>
24.	<p>1-илова 11-банд. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, республикада фаолият кўрсатаётган барча вирусологик лабораторияларнинг хизмат сифатини ошириш.</p> <p>1-илова 12-банд. Республикага хориждан олиб кириладиган ва маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган биологик препаратлар (вакцина, тест тўпламлари ва бошқалар) самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш.</p>	<p>Вирусология илмий-тадқиқот институти базасида вирусли касалликларни аниқлаш бўйича миллий референс зардоб панелларини яратиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.</p> <p>1. Биологик препаратлар (вакцина, тест тўпламлари ва бошқалар) самарадорлигини ўрганиш бўйича стандартни тасдиқлаш.</p> <p>2. Стандарт асосида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ва биологик препаратларнинг клиник-эпидемиологик самарадорлигини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш.</p>	<p>2023 йил 31 декабрь</p> <p>2022 йил 1 ноябрь</p>	<p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p> <p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>
26.	<p>1-илова 13-банд. Тегишли муассасаларда “Крим-Конго” геморрагик иситмаси (кейинги ўринларда – ҚКГИ) билан касалланиб тузалганларнинг (донорлар) қон плазмаси банкни яратиш.</p>	<p>Вирусология илмий-тадқиқот институтида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги тегишли</p>	<p>2025 йил 31 декабрь</p>	<p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев), ДПЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
27.	<p>1-илова 14-банд. Арбовируслар, янги ва қайталанадиган вирусли инфекцияларни ўз вақтида ташхислаш, уларнинг профилактикаси бўйича лаборатория хизматининг сифатини яхшилаш.</p>	<p>муассасаларда ҚҚГИ билан касалланиб тузалганларнинг (донорлар) қон плазмаси банкни яратиш.</p> <p>2. ҚҚГИ билан касалланган беморларни даволаш учун ушбу касалликдан тузалган беморлар орасидан донорларни аниқлаш.</p> <p>3. Донорларда ҚҚГИга қарши антитаначалар титрини аниқлаш ва антитаначаларнинг титри юқори бўлган донорлар плазмасидан донор қони захирасини шакллантириш.</p>	2025 йил 31 декабрь	<p>Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари,</p>
	<p>1. Арбовируслар, янги ва қайталанадиган вирусли инфекцияларни аниқлаш мақсадида Вирусология илмий-тадқиқот институти лабораторияларини диагностика тўпламлар (ИФА, ПЗР) ва сарфловчи материаллар билан таъминлаш.</p> <p>2. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғини мутахассисларига уларнинг арбовируслар, янги ва қайталанадиган вирусли инфекцияларни ўз вақтида ташхислаш ва профилактикаси бўйича тайёргарлигини ҳамда хушёрлигини ошириш учун семинарлар ва анжуманлар ташкил этиш орқали ташкилий ҳамда услубий ёрдам</p>			<p>Санэпидхизмаг (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
28.	<p>1-илова 15-банд. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликни белгилаш билан бирга уларни ўз ҳисобидан гепатитнинг “В” ва “С” турларига скрининг текширувлардан ўтказиш тартибини жорий этиш.</p>	<p>кўрсатиш.</p> <p>1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳ таркибига номзод бериш.</p> <p>2. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда маъсул ходимнинг иштирокини таъминлаш.</p> <p>3. Қонун лойиҳасини келишиб бериш.</p>	2022 йил 31 август	Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев)
29.	<p>1-илова 16-банд. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг илмий салоҳиятини ошириш.</p>	<p>1. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, юқумли касалликлар шифохоналари (бўлимлари)да фаолият кўрсатаётган ҳар бир мутахассиснинг республика марказлари базасида стажировкасини ташкил этиш, ўқув курсларида тажриба ва малакасини ошириш.</p> <p>2. Вируслар, янги пайдо бўлган юқумли касалликлар мавзусида халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларни ташкил этиш.</p> <p>3. Эпидемиологик мониторинг бўйича илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида ёш олимларни хорижий давлатларга қисқа муддатли илмий стажировкага юбориш дастурини</p>	2025 йил 31 декабрь	Фан-таълим бошқармаси (Ў.Исмаилов), Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
30.	<p>1-илова 17-банд. Ўзбекистонда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вирусли гепатитларнинг “В” ва “С” турларини элиминация қилиш бўйича мақсадли кўрсаткичларига эришиш чораларини кўриш.</p>	<p>ишлаб чиқиш.</p> <p>1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вирусли гепатитлар “В” ва “С” турларини элиминация қилиш бўйича мақсадли кўрсаткичлари юзасидан Ўзбекистондаги амалдаги ҳолагни таҳлил қилиш. Бунда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақсадли кўрсаткичлари асосида 2030 йилга қадар: скрининг даражасини – 90 фоизга етказиш; даволаш билан қамраб олиш ишларини – 90 фоизга етказиш; болаларни эмлаш даражасини – 90 фоизга етказиш; янги касалланиш ҳолаглари қайд қилинишини – 90 фоизга камайтириш; ўлим ҳолати кўрсаткичларини – 65 фоизга камайтириш каби устувор йўналишлар белгиланганлигини инобатга олиш.</p> <p>2. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақсадли кўрсаткичлари бўйича ҳар икки йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини Ҳукумат қарори билан тасдиқлаш.</p>	<p>2024 йил 1 январь</p>	<p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), РЭМЮКИАТМ (Б.Таджиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>
31.	<p>1-илова 18-банд. Юқумли касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш соҳасидаги халқаро тажрибани ва самарали янги усулларни амалиётга жорий қилиш.</p>	<p>1. Хорижий етакчи клиникалар ва илмий-амалий марказлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан келишувлар ва меморандумлар тузиш.</p> <p>2. Халқаро илмий анжуманларда</p>	<p>2025 йил 31 декабрь</p>	<p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), РЭМЮКИАТМ (Б.Таджиев), Вирусология ИТИ</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		<p>иштираётган, илмий ташкилотларнинг салохиятини ўрганиш ва соҳада эришилган ютуқлар бўйича тажриба алмашиш.</p> <p>3. Мутахассисларнинг хорижий илмий-амалий муассасаларда малакасини оширишини, янги таҳқиқлаш, даволаш ва профилактика усуллари ўзлаштиришини таъминлаш.</p> <p>4. Юқумли касалликлар, шу жумладан вирусли инфекцияларни таҳқиқлаш, даволаш ва профилактика қилиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга тезкор жорий қилиш тизимини яратиш.</p> <p>5. Юқумли касалликлар диагностикаси ва профилактикаси бўйича илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этиш.</p>		(Э.Мусабаев)
32.	<p>1-илова 19-банд. Инвестиция лойиҳаларини жалб этиш, эпидемиологик баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қўшма илмий тадқиқотлар, лойиҳаларни амалга ошириш. 2. Вирусли инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, касалликларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, ушбу мақсадларга инвестициялар ва грантларни жалб этиш. 3. Республика аҳолиси орасида парентерал вирусли гепатитнинг тарқалиши ва уларнинг узок мuddатли 	2025 йил 31 декабрь	Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		окибатларини баҳолаш учун эпидемиологик тадқиқот ўтказиш.		
33.	<p>1-илова 20-банд. Юқумли касалликлардан сақланиш борасида доимий равишда аҳолининг хабардорлигини ошириб бориш.</p>	<p>1. Оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига юқумли касалликлар тўғрисида маълумотлар етказиш бўйича аниқ манзилли медиа-режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Медиа-режа асосида тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>3. Вирусли инфекциялар мавзусида ижтимоий роликлар тайёрлаш, уларни мунтазам равишда теле- ва радио каналларда эфирга бериш ҳамда ижтимоий тармоқларга жойлаштириб бориш.</p>	2022 йил 16 ноябрь	<p>Матбуот хизмати (Ф.Санаев),</p> <p>Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази (Алиханова),</p> <p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев),</p> <p>Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)</p>
34.	<p>1-илова 21-банд. 28 июль – Халқаро гепатитга қарши кураш кунини кенг нишонлаш.</p>	<p>1. 28 июль – Халқаро гепатитга қарши кураш кунини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.</p> <p>2. Ушбу сана муносабати билан аҳоли орасида мазкур касалликка бағишланган тарғибот ишларини олиб бориш.</p>	2022 йил 31 июль	<p>Матбуот хизмати (Ф.Санаев),</p> <p>Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази (Алиханова),</p> <p>Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев),</p> <p>Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев),</p> <p>ДНЁТББ (У.Рискиев)</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
35.	1-илова 22-банд. Вирусли гепатитлар масалаларига бағишланган веб-сайт ишлаб чиқиш.	1. Вирусология илмий-тадқиқот институтининг веб-сайтини такомиллаштириш. 2. Веб-сайтни доимий равишда маълумотлар билан янгилаб бориш.	2022 йил 30 сентябрь	Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), Вирусология ИТИ (Э.Мусабаев)
36.	2-илова 1-банд. 2022–2023 йилларда эпидемиологик кўрсатмага мувофиқ, давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт ходимларини гепатит “В” инфекциясига қарши эмлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар	Эмланадиган ходимлар сони 2022 йилда: 1) Қорақалпоғистон Республикаси - 3 412; 2) Андижон вилояти - 2 003; 3) Бухоро вилояти - 4 269; 4) Жиззах вилояти - 1 049; 5) Қашқадарё вилояти - 5 555; 6) Навоий вилояти - 729; 7) Наманган вилояти - 2 410; 8) Самарқанд вилояти - 3 858; 9) Сирдарё вилояти - 1 986; 10) Сурхондарё вилояти - 4 909; 11) Тошкент вилояти - 4 674; 12) Фарғона вилояти - 3 791; 13) Хоразм вилояти - 2 006; 14) Тошкент шаҳри - 6 951.	2022 йил 31 декабрь	Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), ДПЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари
37.	2-илова 2-банд. 2022–2023 йилларда эпидемиологик кўрсатмага мувофиқ, давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт ходимларини гепатит “В” инфекциясига қарши эмлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар	Эмланадиган ходимлар сони 2023 йилда: 1) Қорақалпоғистон Республикаси - 5 119; 2) Андижон вилояти - 3 005; 3) Бухоро вилояти - 6 404; 4) Жиззах вилояти - 1 574;	2022 йил 31 декабрь	Санэпидхизмат (Б.Юсупалиев), ДПЁТББ (У.Рискиев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		5) Қашқадарё вилояти - 8 333; 6) Навоий вилояти - 1 094; 7) Наманган вилояти - 3 616; 8) Самарқанд вилояти - 5 788; 9) Сирдарё вилояти 2 980; 10) Сурхондарё вилояти - 7 364; 11) Тошкент вилояти - 7 011; 12) Фарғона вилояти - 5 687; 13) Хоразм вилояти - 3 009; 14) Тошкент шаҳри - 10 427.		Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари

Изоҳ: Заруратга кўра қўшимча равишда мутахассислар жалб этилиши мумкин, шунингдек ходим лавозимидан озод этилганда ёки бошқа ишга ўтказилганда, унинг ўрнига тайинланган ходим масъул ижрочи ҳисобланади.